

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЦОЙ АЛЕКСЕЙ ОЛЕГОВИЧ

**ҚИЗИЛЎНГАЧ ПЛАСТИКАСИДАН КЕЙИНГИ ҚИЗИЛЎНГАЧ
ЧОКЛАРИНИ ЧАНДИҚЛИ ТОРАЙИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Цой Алексей Олегович

Қизилўнғач пластикасида кейинги қизилўнғач чокларини чандиқли
торайишини олдини олиш ва хирургик даволаш йўллари 3

Цой Алексей Олегович

Пути профилактики и тактика хирургического лечения рубцовых
сужений пищеводных анастомозов после эзофагопластики 21

Tsoy Aleksey Olegovich

The ways of prophylaxis and surgical treatment tactics of cicatricial
strictures of esophageal anastomoses after esophagoplasty 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЦОЙ АЛЕКСЕЙ ОЛЕГОВИЧ

**ҚИЗИЛЎНГАЧ ПЛАСТИКАСИДАН КЕЙИНГИ ҚИЗИЛЎНГАЧ
ЧОКЛАРИНИ ЧАНДИҚЛИ ТОРАЙИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Tib118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Низамходжаев Зайниддин Махаматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Эргашев Бахтиёр Бердалиевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	А.Н. Сизганов номидаги «Миллий хирургия илмий маркази» АЖ (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru; Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (69 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, «2017 йил ҳолатига кўра, операция қилинган қизилўнгач касалликлари (ОҚҚК) эзофагопластикадан сўнг узок муддатларда ривожланадиган турли патологик ҳолатлар мажмуи бўлиб, операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради»¹. «ОҚҚК сабаблари турлича бўлиб, уларнинг миқдори турли муаллифлар маълумотларига қараганда 15 дан 55% оралиғидаги кўрсаткичга эга»². ОҚҚК сони йилдан йилга ортиб бормоқда, бу анестезиология, реаниматология ҳамда қизилўнгач жарроҳлигининг илдам ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, эзофагопластикага бўлган кўрсатмаларни кенгайтириш имконини беради, бунда беморларнинг 23-47% ида сунъий қизилўнгачда такрорий аралашув бажарилиши тақозо этилади. Турли-туман ОҚҚК орасида асосийларидан бири қизилўнгач анастомозлари чандикли торайиши (ҚАЧТ) бўлиб, улар дисфагия ва регургитацияни келтириб чиқаради. Кўплаб тадқиқотларда келтирилган маълумотларга кўра, эзофагопластикадан сўнг бу асорат частотаси 9-40% оралиғида бўлиб, айрим ҳолларда 75% гача етган. Замонавий жарроҳлик ютуқлари ва янги технологияларнинг қўлланилишига қарамай, ҚАЧТ ривожланиш частотаси пасайишга мойил бўлмай, юқориликча қолмоқда.

Жаҳон амалиётида патологик флора, қўлланган тикув материали ва бошқа сабаб-оқибат омилларига боғлиқ равишда чандикли стриктуралар ривожланиши ва уларнинг қайталаниши патогенези хусусиятларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар давом этмоқда. Анастомозланиш соҳасининг қон билан таъминланиши, маҳаллий яллиғланиш реакциясининг ифодаланганлиги, қўлланилган турли материалларни ҳисобга олган ҳолда чандик тўқамаси шаклланишининг морфологик ва иммуногистокимёвий жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Эзофагопластикадан сўнг қизилўнгач анастомозлар чандикли торайишининг олдини олиш борасидаги муаммолар ечимини доимий равишда излаш зарурати ва уларни даволаш тактикасида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ушбу муаммони ўрганишни давом этиш ва бу тоифадаги беморларни даволаш бўйича жарроҳлик тактикасини дифференциациявий такомиллаштириш учун асос бўла олади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланишининг ҳозирги босқичида даволаш натижаларни яхшилаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмини кенгайтириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириб борилмоқда, хусусан, ҚАЧТ бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатининг олдини олиш борасида ижобий натижаларга эришилган. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

¹ Shahi AS, Behdad B, Esmaili A, Moztarzadeh M, Peyvandi H. Esophageal stenting in caustic injuries: a modified technique to avoid laparotomy // Gen Thorac Cardiovasc Surg. 2015. – V. 63. – P. 406-418

² Kim, J. H. Benign strictures of the esophagus and gastric outlet: interventional management / J. H. Kim, J. H. Shin, H. Y. Song // Korean. J. Radiol. – 2010. – Vol. 11, № 5. – P. 497–506.

бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тактикани такомиллаштириш, каминвазив ва жарроҳлик даволашдаги янги усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан қизилўнгач анастомозлари чандикли стриктуралари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Predescu I² фикрига кўра, «операция қилинган қизилўнгач касалликлари қизилўнгач пластикадан сўнг турли муддатларда ривожланиб, унинг учраш частотаси 21,4 билан 55% оралиғида тебранади». «Эзофагопластикадан сўнг узок муддатларда 23,5 дан 47% гача беморлар сунъий қизилўнгачдаги такрорий аралашувга эҳтиёж сезади» (Singhal S.³). ОҚҚК муаммоси доимо долзарб бўлиб, клиник амалиётда эзофагопластика бор экан, долзарблигича қолаверади. «Афсуски, ҳозирга қадар ҳам сунъий қизилўнгачни шакллантириш, ҳам операциядан кейинги яқин муддатларда пайдо бўладиган асоратларнинг эҳтимолини йўққа чиқариш имкони мавжуд эмас» (Ananthakrishnan N.⁴). қониқарсиз натижалар мавжудлиги туфайли қайта реконструкцияга муҳтож у ёки бу микдордаги касаллар гуруҳи пайдо бўлади.

Сунъий қизилўнгач билан яшовчи беморлар сони ортиши билан у билан боғлиқ касалликлар бўлган беморлар сони ҳам ортаверади. Беморларнинг тақдири оғиз орқали овқатланиш қанчалик тез ва сифатли тикланишига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

² Predescu I, Predescu D, Constantinoiu S. Postoperative functional result and quality of life after oesophageal reconstruction based on the type of cervicalanastomosis. Chirurgia (Bucur). 2015 Mar-Apr. 110(2). 109-16.

³ Singhal S., Hasan S. S., Cohen D.C., Pfanner T. Multi-disciplinary approach for management of refractory benign occlusive esophageal strictures // Therap. Adv. Gastroenterol. – 2013. – Vol. 6, № 5. – P. 365–370.

⁴ Ananthakrishnan N., Subbarao K.S., Parthasarathy G., Kate V., Kalayarasan R. Long term results of esophageal bypass for corrosive strictures without esophageal resection using a modified left colon esophagocoloplasty--a report of 105 consecutive patients from a single unit over 30 years // Hepatogastroenterology. 2014 Jun. – V. 61. – P. 1033-1041.

боғлиқ бўлаиб қолади. Шу муносабат билан, ОҚҚК катта ижтимоий аҳамият касб этади. Said A.¹ бошчилигидаги тадқиқотчилар эзофагопластикадан сўнг анастомоз торайиши бўлган 25 нафар беморнинг эндоскопик усулда муваффақиятли даволангани тўғрисидаги маълумотларни келтиришади. Шу муносабат билан муаллифлар даволашни каминвазив усуллардан бошлашни таклиф этадилар, аммо натижалар қониқарсиз бўлганида такрорий жарроҳлик аралашувларга эҳтиёж сезилади. Тавадов А.В.² қизилўнгач-ошқозон ва қизилўнгач-ичак анастомозлари стриктуралари бўлган 98 нафар беморда, А.Ф. Черноусов³ эса қизилўнгач анастомози чандикли торайиши бўлган 126 нафар беморда эндоскопик даволаш усуллари қўлладилар, улардан 58 тасида амалиёт эзофагопластикадан сўнг бажарилди. Олинган натижалар таҳлил қилинганда, муаллифлар хулоса қилишдики, эндоскопик даволаш усуллари қайта реконструктив аралашувларнинг реал муқобили бўла олади, аммо рестеноз ривожланмаслигига кафолат бера олмайди.

Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, қизилўнгач бирламчи пластикаси натижалари сезиларли равишда яхшиланган, бунда техник бажарилиши қулай бўлган каминвазив ва жарроҳлик усуллари ёрдамида қизилўнгач анастомозларининг чандикли торайиши янги усуллари ишлаб чиқиш асосий долзарб ва ҳал қилувчи муаммо бўлиб турмоқда, бу эса ушбу асоратлар ривожланишининг сабаб-оқибат омилларини янада ўрганиш ва шунга мувофиқ даволаш-ташхислаш тактикасини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисолаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот иш режаларининг «Қизилўнгач касалликлари ва ошқозон кардиясида дисфагия синдромини ташхислаш, консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашга бўлган методик асослар ва комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги АТСС 3.4 (2012-2014йй.) ва «Қизилўнгач жарроҳлиги ва ошқозон кардиясини реконструктив-тиклаш жарроҳлигида анастомозларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги АДСС 15.3.5 (2015-2017) илмий-амалий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каминвазив ва жарроҳлик даволаш усуллари такомиллаштириш ҳамда янгиларини ишлаб чиқиш орқали қизилўнгач анастомозлари чандикли стриктуралари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эзофагопластика тури ва қизилўнгач туташувлари турларига қараб қизилўнгач анастомозлари чандикли торайишлари ривожланиш частотасини

¹ Said A., Brust D.J., Gaumnitz E.A., Reicheldefefer M. Prediction of early recurrence of benign esophageal strictures //Am. J. Gastroenterol. -2013. -V. 98. -N 6. -P. 1252-1256.

² Тавадов А.В. Хирургическая реконструкция стенозированного шейного соустья искусственного пищевода: Дис. к-та мед. наук. Москва, 2014. – 163 с.

³ Черноусов А.Ф., Ручкин Д.В., Черноусов Ф.А. Завершение эзофагопластики путем ремобилизации трансплантата //Хирургия. Журнал имени Н.И. Пирогова. - 2015. - №8 - С.71-75.

ўрганиш;

чандикли торайишларнинг анъанавий ва қия-кўндаланг анастомозларнинг операциядан кейинги етишмовчилиги частотасига боғлиқлигини ўрганиш;

каминвазив ва жарроҳлик коррекциясининг турли усуллари киритиб, қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари бўлган беморларни даволашнинг дифференциациявий тактикасини ишлаб чиқиш;

қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари бўлган беморларда реконструктив операциянинг янги усулини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари бўлган беморлар учун оптимал даволаш-тактик алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1991 йилдан 2015 йилга қадар академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисолаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида қизилўнғачдаги турли патология сабабли эзофагопластика бажарилган 393 нафар беморлар хизмат қилган. Узоқ муддатларда 3 ойдан 39 йилгача бўлган муддатда, 1991 дан 2015 йилгача муддатда стационар даволанган 238 нафар бемор текширилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари бўлган беморларни каминвазив ва жарроҳлик усулларида даволаш натижаларининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ечиш учун қуйидаги усуллар қўлланган: клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

операциядан кейинги асоратлар, жумладан, узоқ муддатларда чандикли торайишлар хавфи миқдорини камайтириш имконини берадиган қизилўнғач анастомозларини шакллантириш усули ишлаб чиқилган;

қизилўнғач анастомозлари чандикли стриктуралари бўлган беморларни даволашнинг янги реконструктив операция усули ишлаб чиқилган;

фақат эндоскопик назорат билан рентгенологик мониторингсиз бужлашни ўтказиш учун қизилўнғач бужи такомиллаштирилган;

эзофагопластика тури ва қизилўнғач анастомози вариантга қараб қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари ривожланиши хусусиятлари очиқ берилган;

қизилўнғач анастомозлари етишмовчилиги ривожланиши частотаси ва узоқ муддатлардаги чандикли торайишлари шаклланиши ўртасидаги патогенетик алоқа исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эзофагопластика тури, қизилўнғач анастомозлари вариантлари ва операциядан кейинги асоратлар характериға қараб, қизилўнғач анастомозлари чандикли торайишлари ривожланиши хавфи омиллари аниқланган;

турли вариантдаги эзофагопластика натижалари ўрганилган, бу

қизилўнғач анастомозлари чандиқли торайишлари ривожланишининг олдини олишнинг асосий жиҳатларини аниқлаш имконини берган;

бўйинда қия-кўндаланг қизилўнғач туташувларини шакллантириш усуллари такомиллаштирилган, бу етишмовчилик частотасини ва шунга мувофиқ чандиқли торайишлар ривожланиши эҳтимолини камайтириш имконини берган;

қизилўнғач чандиқли торайишини бужлаш методикаси такомиллаштирилган, бу эса фақат эндоскопик назорат остида амалиётларни бажариш ҳисобига шифокор ва беморнинг нурланишини бартараф этган;

қизилўнғач анастомозлари чандиқли торайишларида каминвазив аралашувлар усулини танлаш тактик алгоритми ишлаб чиқилган, бу даволаш натижаларини яхшилаш, шунингдек, қизилўнғачдаги такрорий операциялар эҳтимолини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланадиган лаборатор, ультратовуш, рентгенологик, морфологик ва эндоскопик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик қайта ишлов олинган натижалар ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган натижа, хулоса ва тавсиялар операция тури, қизилўнғач туташувлари вариантлари, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар характерига қараб, бирламчи эзофагопластикадан сўнг қизилўнғач анастомозлари чандиқли торайишлари ривожланиш хусусиятларини ўрганишга катта хисса қўшишидан иборат. Ўтказилган тадқиқот туташувлар чандиқли торайиши ривожланиши хавфини камайтириш учун қизилўнғач анастомозларини шакллантиришнинг янги усуллари, шунингдек, бу асоратларни узоқ муддатларда коррекциялаш учун каминвазив аралашувлар бўйича янги методикаларни ишлаб чиқиш имконини берган. Ишнинг айрим натижалари магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантлар учун ОҚҚК бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш мавзулари бўйича ўқув дастурлари мазмуни ва тузилишини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, замонавий каминвазив эндоскопик технологияларни дифференциацияланган равишда жорий этиш ҚАЧТда мураккаб такрорий жарроҳлик аралашувларини ўтказишга муҳтож беморлар сонини камайтириш имконини берган. Қизилўнғач анастомозлари чандиқли торайишларини коррекциялашнинг жарроҳлик усуллари такомиллаштириш рестеноз эҳтимолини камайтириш ҳисобига бу тоифадаги беморларни жарроҳлик усули билан даволашнинг бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш имконини берган. Ушбу асоратларни даволаш тактикасини танлаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм каминвазив технологиялар мажмуини оптималлаштириш, ва умуман олганда, жарроҳлик асоратлар частотаси, бу тоифадаги беморларни даволаш ва

реабилитация қилишга сарфланган харажатларни қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктуралари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволашни яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қизилўнғач анастомозини қўйиш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 03944). Таклиф этилган усул операциядан кейинги яқин муддатларда ўзига хос асоратлар миқдорини камайтириш ва узоқ натижаларни яхшилаш имконини берган;

«Қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктураларини жарроҳлик билан даволаш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04834). Ишлаб чиқилган усул қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктуралари сабабли операция қилинган беморлардаги бевосита ва узоқ натижаларни яхшилаш имконини берган;

«Қизилўнғач бужи» учун Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (№FAP 01130). Қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктуралари бўлган беморларда алмашадиган зайтунлар билан эндоскопик бужлаш бўйича такомиллаштирилган методика кам инвазив даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

қизилўнғач анастомозлари чандиқли торайишлари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолияти, хусусан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказининг қизилўнғач ва ошқозон бўлими, Андижон давлат тиббиёт институтининг 3-сонли жарроҳлик бўлимига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 8н-д/239-сон маълумотномаси). Олинган натижалар эзофагогастроанастомозлар ноқобиллиги частотасини 22,4%дан 8,5%гача ва эзофагоколоанастомозларни 10,4%дан 2,3%гача, шунингдек, қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктуралари ривожланишини 42,3%дан 19,8%гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 11 та халқаро ва 3 республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 6 та мақола, улардан 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, иккита боб, хулоса, хотима, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 112 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижалари апробацияси ва эълон қилинган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида ахборот келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Операция қилинган қизилўнғач касалликларини даволаш тактикасини аниқлашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланиб, унда ОҚҚК бўлган беморларни даволаш тактикаси муаммолари бўйича илмий маълумотлар батафсил таҳлил қилинди, танқидий баҳоланди, умумлаштирилди ва тизимга солинди, ўз ечимини кутиб турган долзарб муаммолар ўрганилди. Адабиётлар таҳлили натижасида мазкур муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланди.

«Материалнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усулларининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобда клиник материал ва қўлланган тадқиқот усуллари тавсифланган. 1991 йилдан 2015 йилга қадар қизилўнғачдаги турли касалликлар туфайли қизилўнғач пластик жарроҳлигини бошидан ўтказган 393 нафар беморнинг узок натижаларини ўрганиш тажрибаси ишимиз учун асос бўлди. Узок муддатларда, 3 ойдан 39 ёшгача бўлган муддатда қизилўнғач пластикасини бошидан кечирган ва 1991 йилдан 2015 йилга қадар академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида стационар даволанишда бўлган 238 нафар бемор текширувдан ўтказилди.

Назорат гуруҳини 1991 йилдан 2000 йилга қадар операция қилинган 92 нафар бемор ташкил этади. Асосий гуруҳни 2001 йилдан 2015 йилга қадар операция бажарилган 146 нафар бемор ташкил этди.

Асосий гуруҳда қия-кўндаланг қизилўнғач анастомозни шакллантириш бўйича ноёб усул қўлланган.

Беморларга комплекс текширув ўтказилган, улар ҳам умумклиник, ҳам махсус инструментал тадқиқот усулларини ўз ичига олган.

Учинчи боб **«Қизилўнғачдаги реконструкция-қайта тиклаш операцияларидан сўнг қизилўнғач анастомозлар чандик стриктуралари ривожланишининг қиёсий таҳлили»** деб номланган. Узок муддатларда текширилган 238 нафар бемордан 92 тасига (қиёслаш гуруҳи) анъанавий анастомозлар ва 146 тасига (асосий гуруҳ) – қия-кўндаланг қизилўнғач анастомозлари қўйилган. Шу тариқа эзофагогастроанастомоз (ЭзГА) 137 нафар беморга, қиёслаш гуруҳида – 50 (54,3%) нафар беморга ва 87 та (59,5%) асосий гуруҳдаги беморларга қўйилган. Эзофагоколоанастомоз (ЭзКА) 97 нафар беморга, бунда қиёслаш гуруҳида – 38 нафар беморда (41,3%) ва асосий гуруҳда – 59 нафар беморга (40,4%) қўйилган.

Текширилган 238 нафар бемордан нормал фаолият юритувчи қизилўнғач анастомози (НФЮҚА) 170 нафар беморда қайд этилган, бу эса 71,4% демакдир. 92 нафар бемордан иборат қиёслаш гуруҳида НФЮҚА 53 (57,6%) нафар беморда қайд этилган, асосий гуруҳдаги 146 нафар беморда НФЮҚА

текширилган беморларнинг 80,1% да юқори эканлиги қайд этилган ($\chi^2=14.04$; $p=0.0002$), бу 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қиёсланаётган гуруҳларда нормал ишлаётган анастомозлар

	Таққослаш гуруҳи (n=92)	Асосий гуруҳ (n=146)	P
ЭзГА	29(63,1%)	73(83,9%)	$\chi^2=7.869$; $p=0.005$
ЭзКА	24(58%)	44(74,5%)	$\chi^2=0.45$; $p=0.5$
Жами	53(57,6%)	117(80,1%)	$\chi^2=14.04$; $p=0.0002$

Қизилўнгач анастомозининг чандиқли торайиши (ҚАЧТ) 238 нафар бемордан 68 тасида ташхисланган, бу 28,6%ни ташкил этган.

2-жадвал

Гуруҳлардаги қизилўнгач анастомозлари чандиқли торайиши.

Таққослаш гуруҳи (n=92)		Асосий гуруҳ (n=146)	
Анастомоз тури	Миқдори	Анастомоз тури	Миқдори
ЭзГА	21(53,8%)	ЭзГА к-п	14(48,2%)
ЭзКА	14(35,9%)	ЭзКА к-п	15(51,7%)
ЭзЭА	4(10,2%)		
Итого:	39(42,3%)	Итого:	29(19,8%)
P	$\chi^2=14.04$; $p=0.0002$		

Қиёслаш гуруҳида узоқ муддатларда ҚАЧТ 39 (42,3%) беморда қайд этилган, асосий гуруҳда эса уларнинг сони ишончли равишда ($\chi^2=14.04$; $p=0.0002$) 19,8% (n=29)гача камайган. Қиёсланаётган гуруҳларда ҚАЧТ умумий миқдори 2-жадвалда келтирилган.

Қизилўнгач биринчи пластикасида ПА етишмовчилиги ривожланишига қараб ҚАЧТ ривожланиши таҳлили ўтказилди, натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ҚАЧТ ривожланишининг биринчи эзофагопластикада ПА етишмовчилиги билан боғлиқлиги

	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	(n=92)	РСПА	(n=146)	ҚАЧТ
Етишмовчилик	30	20(66,7%)	18	10(55,5%)
Етишмовчиликсиз	62	19(30,6%)	128	19(14,8%)
Жами	92	39(42,3%)	146	29(19,8%)
P	$\chi^2= 14.42$; $p=0.0001$			

Таққослаш гуруҳида узоқ муддатларда 92 нафар бемор текширилди, бунда ноқобиллик 30 фоиз беморларда қайд этилган бўлиб, улардан ҚАЧТ 20 тасида ривожланган, бу эса 66,7%ни ташкил этган. 62 нафар беморда қизилўнгач бирламчи пластикасидан кейинги давр ПА томондан асоратсиз кечган, аммо ҚАЧТ 19 (30,6%) нафар беморда ривожланган, бу эса

қизилўнғач анастомози етишмовчилиги бўлган беморларга караганда 2 баравардан ҳам камроқ демакдир.

Худди шундай таҳлил асосий гуруҳ беморларида ўтказилган. Узоқ муддатларда текширувдан ўтказилган 146 нафар беморда қизилўнғач пластикасида ПА етишмовчилиги 18 нафар беморда ривожланган ва уларнинг 10 тасида ҚАЧТ ривожланган, бу 55,5%ни ташкил этди. Қизилўнғач анастомози ноқобиллиги бўлмаган 128 нафар бемордан 19 (14,8%) тасида ҚАЧТ ривожланган.

Демак, қизилўнғач пластикасидан сўнг ҚАЧТ ривожланиши мумкин, бу операциядан кейинги давр кечишига боғлиқ эмас, аммо ҚА ноқобиллигидан сўнг стриктура ривожланиши эҳтимоли жуда юқори, бу статистика маълумотлари билан ўз тасдиғини топади ($\chi^2=14.42$; $p=0.0001$)


Тўртинчи боб «Қизилўнғач анастомозлари чандиқли стриктуралари бўлган беморларни каминвазив ва жарроҳлик усуллари билан даволаш натижалари» деб номланади.

ҚАЧТ бўлган беморларни каминвазив усул билан даволаш самарадорлигини баҳолаш Галлингер Ю.И. ва Годжелло Э.А. (2002) таклиф этган мезонларга кўра баҳоланган.

ЭДТ 8 нафар беморда қўлланган. Бевосита ҳамда узоқ натижалар натижаларни баҳолаш шуни кўрсатдики, ЭДТ бошқа каминвазив даволаш усуллари, хусусан, бужлашга тайёргарлик босқичи сифатида бажарилиши керак.

ГД ҚАЧТ бўлган 3 нафар беморда қўлланган. Бундай усул барча беморларда самарали бўлди, бир йилдан ортиқ муддатда узоқ муддатларда рестеноз ривожланиши 1 нафар беморда кузатилган, бу эса бужлаш курсини ўтказишни талаб этди.

Бужлаш ҚАЧТ бўлган 52 нафар беморда бажарилган. 2002 йилда “Академик В.Воҳидов номидаги РИЖМ”нинг қизилўнғач ва ошқозон эндоскопияси ва жарроҳлиги бўлимида клиник амалиётга алмаштириладиган металл учликлар билан эндоскопик бужлаш бўйича хусусий методика ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилган, унга № FAP 01130 “Қизилўнғач бужи” фойдали моделига патент олинган (1-расм).



1-расм. Эндоскопик бужлаш учун металл зайтунлар тўпами

Сим бўйлаб бужлаш 32(61,5%) нафар беморда, алмашадиган зайтунлар билан эндоскопик бужлаш 15 (28,9%) та беморда ва иккала усулни аралаш қўллаб 5 (9,6%) нафар беморда бажарилган. ҚАЧТ бўлган беморларда

алмашадиган зайтунлар билан эндоскопик бужлаш методикасини ишлаб чиқиш ҚАЧТ бўлган беморларда ҳам ушбу каминвазив даволаш усулини кенг татбиқ этиш имконини берди, бунда назорат гуруҳида улар 7 (28%) нафар беморда, асосий гуруҳида эса 13 (48,1%) нафар беморда қўлланган.

Бужлаш умумий ҳисобда 40 (76,9%) нафар беморда самарали бўлган ва 12 (23,1%) нафар беморда самарасиз бўлган. Таққослаш гуруҳларидаги бужлаш натижаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, бужлаш таққослаш гуруҳидаги 16 (64%) нафар беморда самарали бўлган, асосий гуруҳида эса ($\chi^2=4.53$ $p=0.033$) 88,9% га кўтарилган ($n=21$). Мос равишда самарасиз бужлаш миқдори ишончли тарзда 36% дан 11,1%га камайган.

1-ҳолатда ЭЗКА чандикли стриктураси бўлган беморда тор бўйлаб бужлаш фонида колотрансплантат терминал қисми префорацияси бажарилди, бу эса ривожланган перитонит бўйича жарроҳлик аралашувини талаб этди. Беморда колотрансплантат перфоратив тешиги тикилди, қорин бўшлиғи санацияси ва дренажи бажарилди, операциядан кейинги давр ҳам қулай бўлди, бемор эса қониқарли аҳволда шифоханадан чиқарилди.

6 ойдан 5 йилгача бўлган узок муддатли кузатувларда рестеноз таққослаш гуруҳларида 25 беморнинг 17 (68%) нафарида кузатилган: 6 ойгача – 8 (47%) тасида, 6 ойдан 1 йилгача – 6 (35,3%) тасида, 1 дан 3 ёшгача – 2 (11,7%) тасида ва 3 дан 5 йилгача – 1 (5,9%) тасида қайд этилган. Асосий гуруҳида рестеноз 27 дан 11 (40,7%) нафар беморда кузатилган: 6 ойгача бўлган муддатда 7 (63,6%) тасида, 6 ойдан 1 йилгача муддатда – 2 (18,2%) тасида, 1 дан 3 ёшгача – 2 (18,2%) тасида қайд этилган.

Шу тариқа иккала гуруҳида рестенозларнинг аксарият қисми бужлашдан сўнг 1 йил ичида, мос равишда 82,3% (таққослаш гуруҳи) ва 81,8% (асосий гуруҳ) беморда пайдо бўлган. Бужлаш қўллангандан сўнг асосий гуруҳидаги рестеноз частотаси ишончли равишда ($\chi^2=3.88$, $p=0.049$) 68% дан 40,7% гача камайган.

Рестеноз пайдо бўлганда беморларга 1-3 йил ичида қайта бужлаш амалга оширилди: назорат гуруҳидаги 10 (40%) нафар беморда ва асосий гуруҳидаги 8 (29,6%) та беморда. Назорат гуруҳидаги бир неча мартали такрорий бужлаш курслари 40% беморда амалга оширилган, бу асосий гуруҳ беморларига қараганда ишончли равишда ($\chi^2=4.56$, $p=0.033$) юқори.

Бужлашни ўтказиш самарасиз бўлганда ёки бунинг имкони бўлмаганда беморларга қизилўнғач аностомозида қайта реконструктив аралашувлар ўтказилган. Бунда таққослаш гуруҳидаги 44% бемор бунга эҳтиёж сезган, асосий гуруҳида эса уларнинг сони ишончли равишда ($\chi^2=3.957$ $p=0.047$) 22,2% гача пасайган.

1991 йилдан 2015 йилгача бўлган давр ичида ҚАЧТ бўлган 18 нафар беморга қайта реконструктив операция ўтказилган: назорат гуруҳида – 12 нафар беморга ва асосий гуруҳида 6 нафар беморга.

Жарроҳлик усули билан даволашга қуйидагилар кўрсатма бўла олган:

1. Каминвазив даволаш усуллари қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги.

2. Каминвазив даволаш усуллари самарасизлиги.

3. Операция қилинган қизилўнгачда ҚАЧТ билан бирга бошқа касалликлар мавжудлиги.

ҚАЧТ бўлган беморларга стриктурани кенгайтиришнинг каминвазив усуллари кўллаш имконияти баҳоланди, шундан сўнг операция ўтказишга кўрсатмалар аниқланган.

Операция қилинган 18 нафар бемордан 50% ҳолатда кам инвазив аралашувлар имконияти бўлмаган, шу муносабат билан уларни бажаришга уринишлар ҳам бўлмаган, 16,7% нафар беморда бу самарасиз бўлган, яъни бирор бир бужлаш усули ёки ЭДТ билан стриктурани кенгайтиришга эришилмаган ва 33,3% беморда каминвазив усуллар самарали бўлган, бу эса қайта реконструкцияларга оқилона тайёргарлик кўриш имкониятини яратди.

Торайган анастомоз ва бажарилган реконструктив операция характериға қараб беморларни таққослаш қуйидагича бўлган: анастомоз резекцияси ва янги қизилўнгач туташивуни шакллантириш 5 (27,8%) нафар беморда бажарилган, турли модификацияли маҳаллий пластика – 12 (66,7%) нафар беморда ва ингичка ичак трансплантантини олиб ташлаш ва такрорий шунтловчи колоэзофагопластика 1 (5,6%) нафар беморда бажарилган.

3/4 операцияси 8 (44,4%) нафар беморда бажарилган: таққослаш гуруҳида – 6 та ва асосий гуруҳида – 2 та беморда. Бевосита натижалар қуйидагича тақсимланган: таққослаш гуруҳидаги 1 нафар беморда (12,5%) анастомоз етишмовчилиги бўлган, у консерватив усулда бартараф этилган. Қолган 7 (87,5%) та бемор асоратсиз шифоханадан чиқарилган. Ўлим билан юқунланган ҳолатлар кузатилмаган.

3/4 операциясининг узок муддатлари ҳамма 8 та беморда кузатилган. Шу билан бирга аниқландики, $\frac{3}{4}$ операциясидан сўнг анастомоз рестенози 5 нафар беморда пайдо бўлган, бу 62,5%ни ташкил этади. Бунда улардан иккитасида рестенозда анастомоз бужланиб, ижобий натижаларга эришилган, аммо 3 нафар беморга кам инвазивли даволаш усуллари бажариш имконияти бўлмаган, шу сабабли уларга уларга такрорий реконструктив операциялар бажарилган.

Анастомоз резекцияси ва янги аностомозни шакллантириш 5 (27,8%) нафар беморга бажарилган, бу турдаги реконструктив операция стриктураси 1 см дан юқори бўлган беморларда амалга оширилган: ЭКА чандикли торайишида 2 нафар беморда ва ЭЭА чандикли торайишида 3 нафар беморда бажарилган. Янги туташув етишмовчилиги 5 та бемордан 2 (40%) тасида кузатилган.

« $\frac{3}{4}$ операцияси» (тўртдан бири) торайган туташув сегменти олд деворини бўйламасига кесиш ва кўндаланг тикишдан иборат бўлиб, бу қизилўнгач аностомози ёриғини кенгайтириш имконини беради. Аммо юқорида кўрсатилган усулнинг жиддий камчиликлари бор.

Янги усулни ишлаб чиқиш мақсади – реконструкциядан кейинги даврда рестеноз ва чоклар самарасизлигининг олдини олиш, шунингдек анастомоз орқали овқатнинг тўғри ўтишини тиклашга эришиш.

« $\frac{3}{4}$ операцияси» янги реконструкция усули - «Қизилўнгач анастомозлари


чандикли стриктураларини жарроҳлик усулида даволаш усули»ни ишлаб чиқишда прототип вазифасини ўтай олди, унга қуйидаги ихтиро учун патент олинган: 18.02.2014 даги IAP 04834. $\frac{3}{4}$ операцияси ва биз таклиф этаётган модификация ўртасидаги принципиал фарқланишлар қуйидагилардан иборат:

1. Анастомознинг олд ва орқа девори кесилади: анастомознинг олд девори торайиш тепасидан кесилади, анастомознинг орқа девори бўйламасига мускул қаватигача кесилади;


2. Анастомознинг орқа девори кўндаланг йўналишда узлуксиз атравматик чок билан тикилади;

3. Анастомознинг олд девори йўғон ошқозон зондида узлуксиз атравматик икки қатор чок билан тикилади.

Қизилўнғач анастомозлари чандикли стриктураларини жарроҳлик усули билан даволаш бўйича таклиф этилаётган усул босқичлари: операция интубацион наркоз остида бажарилади, беморнинг операция столидаги ҳолати – тепага қараб, боши бироз орқага ва ўнга, операцион кириш характери – чап томонлама колитомия (Буркхадт усули);



Операция босқичи чизмаси




Анастомоз олд деворини кесиш


2-расм. Қизилўнғач анастомози олд деворини кесиш

Бўйлама йўналишда анастомоз олд деворини торайиш тепасидан кесиш ва 3 см узунликда анастомозни очиш (2-расм).

Анастомоз олд деворининг ўнг ва чап қирғоқларига иккита ушлагич қўйилади (3-расм), ушлагичлар икки томонга тортилади, натижада анастомознинг орқа девори кўринади.




Чизма




Олд деворни кесиш, «Ушлагич-чоклар»ни қўйиш

3-расм. «Ушлагич-чоклар»ни қўйиш

- шиллик ва шилликости қават чегараларида торайиш тепасидан, ҚА орқа деворини очмасдан анастомоз орқа деворини 2-2,5 см узунликда кесиш, чандиқ тўқималари кесилади (4-расм)




Чизма



Орқа деворни кесиш

4-расм. Қизилўнгач анастомози орқа деворини кесиш

- анастомоз орқа деворини кўндаланг йўналишда узлуксиз бир қатор сўрилиб кетадиган атравматик чок билан тикиш (5-расм),




Чизма




Орқа деворни тикиш

5-расм. Қизилўнгач анастомози орқа деворини тикиш

Натижада қизилўнгач анастомози орқа девори деформацияси ва торайиши бартираф этилади, бунда туташув диаметри ошади (6-расм).




Чизма




Орқа девор тикилганидан кейинги кўриниш

6-расм. Тикилгандан кейин қизилўнгач анастомози орқа девори кўриниши


- қизилўнғач анастомози орқа девори коррекциясидан сўнг интраоперацион шаклда диаметри 2 см га тенг йўғон ошқозон зонди ўтказилади (7-расм)



7-расм. Қизилўнғач анастомози ҳудуди орқали зондни трансплантантга ўтказиш – сўнг анастомознинг олд девори кўндаланг йўналишда узлуксиз икки қатор атраватик чок билан йўғон ошқозон зондида тикилади (8-расм), қизилўнғач клетчаткаси дренажланади.



Чизма



Яқуний кўриниш

8-расм. Қизилўнғач анастомози олд деворини тикиш

Баён этилган методика асосий гуруҳдаги 4 нафар беморда амалга оширилган. 4 та беморнинг ҳаммаси илгари ҚАЧТ бўйича операция қилинган, унинг устига 3 та ҳолатда шунтловчи колопластика амалга оширилган ва 1 та ҳолатда қизилўнғач экстирпацияси ва гастропластика бажарилди.

Операциядан кейинги даврда, анастомоз ноқобиллиги ва ўлим билан яқунланиш ҳолатлари кузатилмади. 6 ойдан 3 йилгача бўлган узок муддатлар барча беморларда кузатилган – бирор ҳолатда рестеноз ва дисфагияга бўлган шикоятлар аниқланмади.

ҚАЧТ бўлган беморларда даволаш-ташхислаш алгоритми.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҚАЧТ бўлган беморлар учун даволаш-тактик алгоритмни ишлаб чиқдик, бу эса бу турдаги беморларга даволаш тактикаси вариантларини аниқлаш имконини беради. Ушбу алгоритмга ЎзР ИМА дан 9.03.2016 даги DGU №03585 сонли гувоҳнома олинган. Таклиф этилган алгоритм 9-расмда тақдим этилган.



9-расм. ҚАЧТ бўлган беморлар учун даволаш-ташхислаш алгоритми

ҚАЧТ аниқланган беморларда даражасидан қатъи назар даволашни стриктурани кенгайтиришнинг каминвазив усулларида бошлаш керак.

СКК самарадорлиги Галлингер Ю.И. ва Годжелло Э.А. (2002) лар таклиф этган «Самарадорлик мезонлари» асосида баҳоланган.

ҚАЧТ бужлаш, анъанавий бужлаш (АБ), шунингдек, эндоскопик бужлаш (ЭБ) стриктура даражасидан қатъи назар беморларга бажарилиши мумкин. Аммо агар симни ўтказиш иложи бўлмаса, аввал эндоскопик диатермотуннелизация ва сўнг бужлаш ҳамда дилатацияни (ЭДТ) амалга ошириш мумкин. Дисфагия қайталанган беморларда самарали бужлаш ўтказиш учун қўллаб-қувватловчи бужлаш курсларини қайта амалга оширди. Бужлашни амалга ошириш самарасиз бўлганда ёки уни ўтказиш имкони бўлмаганда, беморга такрорий реконструктив жарроҳлик амалиётини ўтказиш керак бўлади.

ҚАЧТ гидробаллон дилатацияси (ГД) стриктура даражасидан қатъи назар ўтказилади. ГД самарасиз бўлганда, такрорий муурожаатларда юкорида келтирилган методикани қўллаш билан бирга ГД такрорий курсларини ўтказиш тавсия этилади. ГД ўтказиш самарасиз бўлганда ёки уни ўтказиш иложи бўлмаганда такрорий реконструктив жарроҳлик аралашуви тавсия этилади.

Каминвазив даволаш усулларини ўтказиш самарасиз бўлганда ёки уни ўтказиш иложи бўлмаганида, беморларга такрорий жарроҳлик аралашувлари тавсия этилади. Узокка чўзилмаган ҚАЧТ бўлганда бизнинг модификациямиздаги 3/4 операциясини таклиф этамиз, узокка чўзилган ҚАЧТда аввал қўйилган анастомоз резекция билан бирга янги туташувни қўйиш тавсия этилади.

ХУЛОСА

1. Қизилўнгач анастомозлари чандиқли стриктуралари 28,6% беморда ривожланади. Бу эзофагопластикадаги қониқарсиз узоқ натижалар сабаблари ичида асосийси бўлиб, дисфагия қайталаниши ва беморнинг қайта муружаат қилишига олиб келади.

2. Қизилўнгачда реконструктив-тикловчи операцияларда кўндаланг ҚА шакллантиришнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш эзофагогастроанастомозлар ноқобиллиги частотасини ишончли равишда 22,4% дан 8,5% гача ($\chi^2=14.85$; $p=0.0001$) ва эзофагоколоанастомозларни 10,4% дан 2,3% % гача ($\chi^2=12.09$; $p=0.0005$), қизилўнгач анастомозлари чандиқли стриктуралари ривожланишини 42,3% дан 19,8% ($\chi^2=14.04$; $p=0.0002$) гача камайтириш имконини беради.

3. Қизилўнгач анастомозлари етишмовчилиги бевосита ҚАЧТ ривожланиши эҳтимолига таъсир қилади ($\chi^2=14.42$; $p=0.0001$). Таққослаш гуруҳида ҚА ноқобиллигидан сўнг стриктуралар 66,7% беморда ривожланган, туташув бирламчи битишида эса – 30,6%. Асосий гуруҳда ҳам шундай натижалар олинган: ҚА етишмовчилигидан сўнг стриктура 55,5% беморда ривожланган, бу ҚА ноқобиллиги бўлмаган беморга қараганда юқори демакдир – 14,8%.

4. Қизилўнгач анастомозлари чандиқли стриктуралари бўлган беморларни каминвазивли даволаш усуллари асосийси бужлаш бўлиб қолмоқда, бу умуман олганда 76,9% беморда самарали бўлиб, 23,1% беморда самарасиз бўлган. Таққосланаётган гуруҳлардаги бужлаш натижалари таҳлили кўрсатишича, бужлаш таққослаш гуруҳидаги 64% беморда самарали бўлган, асосий гуруҳда эса ишончли равишда ($\chi^2=4.53$ $p=0.033$) 88,9% гача ошган, шунга мос равишда самарасиз бужлаш сони 36% дан 11,1% гача камайган.

5. Чандиқли торайишда қизилўнгач анастомозини реконструкция қилиш бўйича жорийланган оригинал усул хирургик даволашнинг бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш имконини берган, бунда бирор марта рестеноз белгилари аниқланмади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ЦОЙ АЛЕКСЕЙ ОЛЕГОВИЧ

**ПУТИ ПРОФИЛАКТИКИ И ТАКТИКА ХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ РУБЦОВЫХ СУЖЕНИЙ ПИЩЕВОДНЫХ
АНАСТОМОЗОВ ПОСЛЕ ЭЗОФАГОПЛАСТИКИ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Tib118.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Низамходжаев Зайниддин Махаматович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хакимов Мурод Шавкатович доктор медицинских наук, профессор Эрагашев Бахтиёр Бердалиевич доктор медицинских наук
Ведущая организация:	АО «Национальный научный центр хирургии имени А.Н. Сызганова» (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №69). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «на 2017 год болезни оперированного пищевода (БОП) представляют собой совокупность различных патологических состояний, развивающихся в отдаленном периоде после эзофагопластики, что снижает качество жизни оперированных пациентов»¹. «Причины возникновения БОП многообразны и их частота по данным различных авторов колеблется в широких диапазонах от 15 до 55%»². Количество БОП с каждым годом увеличивается, что обусловлено прогрессивным развитием анестезиологии, реаниматологии и самой хирургии пищевода, что позволило значительно расширить показания к эзофагопластике, при этом 23-47% больных нуждаются в повторном вмешательстве на искусственном пищеводе. Среди всего многообразия БОП, одним из значимых остается рубцовое сужение пищеводных анастомозов (РСПА), которое приводит к дисфагии и регургитации. Частота этого осложнения после эзофагопластики по данным большинства исследований находится в интервале 9-40%, иногда достигая 75%. Несмотря на достижения современной хирургии и применение новых технологий, частота развития РСПА не имеет существенной тенденции к снижению и остается высокой.

В мировой практике продолжают исследоваться вопросы по выявлению особенностей патогенеза развития рубцовых стриктур и их рецидива в зависимости от патологической флоры, примененного шовного материала и других причинно-следственных факторов. Особое внимание уделяется изучению морфологических и иммуногистохимических аспектов формирования рубцовой ткани с учетом особенностей кровоснабжения зоны анастомозирования, выраженности местной воспалительной реакции, примененных различных материалов. Постоянный поиск решений в отношении профилактики рубцовых сужений пищеводных анастомозов после эзофагопластики и отсутствие единой тактики лечения последних, послужил основанием для продолжения изучения этой проблемы и совершенствования дифференцированной хирургической тактики лечения данной категории больных.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов и существенное расширение диапазона оказываемой населению медицинской помощи, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения больных с РСПА, достигнуты положительные результаты. «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для

¹ Shahi AS, Behdad B, Esmaili A, Moztarzadeh M, Peyvandi H. Esophageal stenting in caustic injuries: a modified technique to avoid laparotomy // Gen Thorac Cardiovasc Surg. 2015. – V. 63. – P. 406-418

² Kim, J. H. Benign strictures of the esophagus and gastric outlet: interventional management / J. H. Kim, J. H. Shin, H. Y. Song // Korean. J. Radiol. – 2010. – Vol. 11, № 5. – P. 497–506.

обеспечения их полноценной жизнедеятельности»³. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения больных с рубцовыми стриктурами пищеводных анастомозов путем совершенствования тактики, разработки и внедрения новых методов миниинвазивного и хирургического лечения, является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По мнению Predescu I⁴, «болезни оперированного пищевода развиваются в разные сроки после пластики пищевода с частотой от 21,4 до 55%». «В отдаленном периоде после эзофагопластики от 23,5 до 47% больных нуждаются в повторном вмешательстве на искусственном пищеводе» (Singhal S.⁵). Проблема БОП всегда была актуальной и будет оставаться таковой, пока в клинической практике находит применение эзофагопластика. «К сожалению, до сих пор не исключены осложнения, возникающие как в процессе формирования искусственного пищевода, так и в ближайшем послеоперационном периоде» (Ananthakrishnan N.⁶). В результате неудач образуется то или иное количество больных, нуждающихся в повторной реконструкции.

С ростом числа пациентов, живущих с искусственным пищеводом, закономерно возрастает количество пациентов с его болезнями. Судьба больных всецело зависит от того, насколько быстро и качественно будет восстановлено полноценное питание через рот. В связи с этим проблема БОП

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

⁴ Predescu I, Predescu D, Constantinoiu S. Postoperative functional result and quality of life after oesophageal reconstruction based on the type of cervical anastomosis. Chirurgia (Bucur). 2015 Mar-Apr. 110(2). 109-16.

⁵ Singhal S., Hasan S. S., Cohen D.C., Pfanner T. Multi-disciplinary approach for management of refractory benign occlusive esophageal strictures // Therap. Adv. Gastroenterol. – 2013. – Vol. 6, № 5. – P. 365–370.

⁶ Ananthakrishnan N., Subbarao K.S., Parthasarathy G., Kate V., Kalayarasan R. Long term results of esophageal bypass for corrosive strictures without esophageal resection using a modified left colon esophagocoloplasty--a report of 105 consecutive patients from a single unit over 30 years // Hepatogastroenterology. 2014 Jun. – V. 61. – P. 1033-1041.

имеет значимый социальный контекст. Исследователи во главе с Said A.⁷ сообщили об успешном эндоскопическом лечении 25 больных со стриктурой анастомоза после эзофагопластики. В этой связи авторами предлагается начинать лечение с миниинвазивных вмешательств, однако при неэффективных результатах следует прибегать к повторным хирургическим вмешательствам. Тавадов А.В.⁸ применил эндоскопические методы лечения у 98 пациентов со стриктурами пищеводно-желудочного и пищеводно-кишечного анастомозов, А.Ф. Черноусов⁹ – у 126 больных с рубцовым стенозом пищеводного анастомоза, из них у 58 – после эзофагопластики. После анализа полученных результатов авторы пришли к выводу, что эндоскопические методы лечения служат реальной альтернативой повторным реконструктивным вмешательствам, однако не могут гарантировать развитие рестеноза.

